

Индонезияда энг йирик исломий банк ташкил қилинади



09:30 / 21.12.2020 2072

1 февралдан бошлаб, BNI Syariah ва Bank Syariah Mandiri ҳамда BRI Syariah (BRIS) банклари расмий равишда бирлашиб, мамлакатнинг энг йирик Ислом банки бўлган Bank Syariah Indonesia ни ташкил қилади.

Ушбу бирлашма чоршанба куни бўлиб ўтган онлайн-матбуот анжуманида Bank Syariah Indonesia бош ижрочи директорининг ва BRIS акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлисида маъқулланди.

Бу бирлашувдан қолган компания, дейди Хари Гунарди. — Биз низом, исм, логотип ва ташкилий тузилишни яқунладик. Уларнинг барчаси акциядорлар томонидан маъқулланди. Шунингдек, жараённинг навбатдаги босқичи банк филиаллари, маҳсулотлар, рақамли банк IT - технологиялари ва кадрлар ресурсларининг қонуний бирлашиши бўлади.

Банк активлари бўйича Индонезия давлатидаги 10 та энг йирик банклар ва бозор капиталлашуви бўйича дунёдаги энг йирик 10 та исломий банклар қаторига киради.

Давлат корхоналари ишлари бўйича вазир ўринбосари Картико Вироатможонинг сўзларига кўра, Bank Syariya Indoneziya мамлакат Исломий молия иқтисодиётининг ўсишини тезлаштириши кутилмоқда, деб

хабар беради evo-rus.com.

Хуршид Маъруф тайёрлади